

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҒОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ҒАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
Шералиева Ж.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

Фарғона,  
2021.

<b>А.Юсупов</b>	
XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг Хитой билан савдо-иқтисодий алоқалари .....	106
<b>И.Боҳодиров</b>	
Туркистонда 1916-йилги халқ қўзғолони жараёнида Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг фаолияти .....	112
<b>С.Холиқов</b>	
Хорижий мамлакатларда миллий хавфсизликни таъминлашда парламентнинг ўрни .....	118
<b>А.Юлдашов</b>	
Кутубхона хизмати фаолиятида муаллифлик ҳуқуқини таъминлашнинг долзарб масалалари .....	122
	АДАБИЁТШУНОСЛИК
<b>А.Сабирдинов</b>	
Абдулла Ориповнинг шеърий маҳорати .....	126
<b>Д.Қаландарова</b>	
“Гўрўғли” достони версиялари Карл Райхл тадқиқотлари мисолида .....	129
<b>Н.Сабиров</b>	
Москва савдо компанияси Лондон тожирлари учун ўзи томонидан ёзилган «Жаноб Энтони Дженкинсоннинг россиянинг Москва шаҳридан 1558 йил Бухоро (Boghar) шаҳригача саёҳатномасида»ги Бухоро сиймоси .....	134
<b>А.Абдурахмонов</b>	
Насрий асарда ранг – лейтмотив .....	137
	ТИЛШУНОСЛИК
<b>О.Латипов</b>	
Рус ва ўзбек тилларида ёввойи қушлар номларининг коннотатив хусусияти .....	140
<b>Я.Нишанов</b>	
Мактабда адабиёт фанини ўқитиш муаммолари: замонавий ёндашув ва уларни ечиш услублари .....	146
<b>Ш.Искандарова, З.Маруфова</b>	
Мумтоз бадиий матнларда гўзалликнинг ифодаланиши .....	150
<b>М.Турсунова</b>	
Рус-инглиз тил алоқаларининг тарихи .....	153
<b>Т.Алимов</b>	
Таржима назарияси ва амалиёти .....	157
<b>М.Саидова, Н.Расулова</b>	
“The concise oxford dictionary of literary terms” луғатидаги драма адабий турига хос Терминларининг мазмуний таҳлили .....	161
	ПЕДАГОГИКА
<b>Т.Эгамбердиева</b>	
Оиладаги ижтимоий муҳит ва гендер тенглик .....	166
<b>Б.Ходжаев</b>	
Янги ренессанс педагогикаси ва Абдулла Авлоний педагогик қарашларининг уйғунлиги .....	172
<b>Г.Назарова</b>	
Бўлғуси иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг инновацион-педагогик омиллари .....	176
<b>Г.Алимжонова</b>	
Олий техник таълим муассасалари талабаларининг техноэтик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик хусусиятлари .....	182
	ИЛМИЙ АХБОРОТ
<b>Б.Абдуганиев, Н.Азимова</b>	
Турли никотинли маҳсулотларда никотин миқдорини хромато-масс спектрометрия усули билан аниқлаш .....	186

**“THE CONCISE OXFORD DICTIONARY OF LITERARY TERMS” ЛУҒАТИДАГИ ДРАМА  
АДАБИЙ ТУРИГА ХОС  
ТЕРМИНЛАРИНИНГ МАЗМУНИЙ ТАҲЛИЛИ**

**СЕМАНТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ДРАМАТИЧЕСКИХ ТЕРМИНОВ В СЛОВАРЕ “THE CONCISE  
OXFORD DICTIONARY OF LITERARY TERMS”**

**SEMANTIC ANALYSIS OF DRAMATIC TERMS IN  
“THE CONCISE OXFORD DICTIONARY OF LITERATURE TERMS”**

**Саидова Мухайё<sup>1</sup>, Расулова Нигина<sup>2</sup>**

**<sup>1</sup>Саидова Мухайё**

– Бухоро давлат университети, инглиз тилшунослиги кафедраси катта ўқитувчиси (PhD).

**<sup>2</sup>Расулова Нигина**

– Бухоро давлат университети магистранти.

**Аннотация**

Илмий адабиётлар таҳлили герман тилларида адабиётшунослик терминларининг бир хил ва бир текис ўрганилмаганлигини кўрсатади. Ушбу мақолада адабиётшунослик терминларининг герман тиллари мисолида ўрганилганлик даражаси ва аҳамияти тўғрисида тўхталиб, Крис Болдикнинг “The Concise Oxford Dictionary of Literary Terms” луғати ва ундаги адабиётшунослик терминларининг эътиборга молик томонлари ҳақида маълумотлар берилган. Луғатда келтирилган адабий турларга доир терминлар борасида фикр юритилиб, драматик терминларнинг Крис Болдик томонидан берилган изоҳларига муносабат билдирилган.

**Аннотация**

Анализ научной литературы показывает, что литературные термины в германских языках не изучались единообразно. В данной статье рассматриваются степень изученности и значимость литературных терминов на материале германских языков; дается информация о словаре Криса Болдика “The Concise Oxford Dictionary of Literary Terms” и о значимых аспектах литературных терминов. Обсуждаются термины, касающиеся теории литературы, её истории, процесса и драматических произведений, а также выражается авторское мнение о толковании драматических терминов, предложенных Крисом Болдиком.

**Annotation**

The scientific research shows that literary terms in the Germanic languages were not studied uniformly. The degree of study and significance of literary terms are carried out in the given article. The article also gives information about the dictionary of Chris Baldick “The Concise Oxford Dictionary of Literary Terms” and the significant aspects of literary terms. Terms belonged to the theory of literature, its history, process and dramatic works are discussed and the analyses of dramatic terms given by Chris Baldick are explained in the article.

**Таянч сўз ва иборалар:** адабиётшунослик термини, драма, комедия, трагедия, пьеса, театр, парда, акт.

**Ключевые слова и выражения:** литературоведческий термин, драма, комедия, трагедия, пьеса, театр, занавес, действие.

**Keys words and expressions:** literary term, drama, comedy, tragedy, play, theatre, curtain, act.

Жаҳон тилшунослигида илм-фан тараққиёти туфайли юзага келган ва турли соҳавий контекстларда ўзининг коммуникатив-функционал табиатига эга бўлган лисоний бирликлар – терминларга, уларга алоқадор лексикографик қонуниятлар ва таржима масалаларига эътибор терминология доирасидаги тадқиқотлар кўламини кенгайтди. Ғарб замонавий тилшунослик ва адабиётшунослик назарий концепцияларини адекват тарзда идрок этиш зарурати инглиз филологияси илмининг салмоқли ярим ҳиссасини ташкил қилган адабиётшунослик терминларининг лисоний мавқеи, интертекстуал ва интердискурсив

функционаллигини илмий изоҳлаш талабини келтириб чиқарди. Зеро, терминологизация жараёнларини ҳам лингвистик, ҳам экстралингвистик кенгликда кузатиш, уларнинг матнро динамик хусусиятларини дифференциал ва интеграл ёндашув асосида аниқлаш соҳа терминлари моҳиятидаги ички қарама-қаршиликни, инсон мантиғи ва тафаккури билан боғлиқ лисоний концептуаллаштириш ҳодисасини назарий баҳолаш имкониятини яратади.

Дунё терминшунослигида инглиз адабиётшунослик терминларини тартибга солиш, муайян контекстда аниқ тушунчанинг вербал рамзи сифатида намоён бўлишига

доир тадқиқотлар бир тил доирасида амалга ошириб келинмоқда. Мазкур терминларнинг коммуникатив жараёнларда ўсиб бораётган роли, ясашиш механизмлари борасидаги билимларнинг мужмаллиги уларнинг лексикографик, таркибий-мазмуний, таржима контекстида шаклий ва мазмуний талқини каби устувор вазифа ижросини тақозо этади. Бу, ўз навбатида, терминларга хос бўлган бирламчи номинациялаш тамойилларини кузатишга, уларнинг мотивацион характерини таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқишга, ғайрилисоний омилларнинг термин лисоний шакли ва лексикографик тақдимотида таъсирини замонавий лингвистик онг доирасида асослашга хизмат қилади.

Тилшунослик терминларига доир илмий ва амалий фикрлар Ахманова (1966, 1990), Васильева (1998), Гвишяни (1986, 1990), Головин (1976), Куликова (2002), Петросянц (2004), Подольская (1988), Слюсарева (1983, 2000), Шелов (1998) ва бошқаларнинг ишларида баён қилинган. Кейинги йилларда тилшунослик терминларига доир тадқиқотлар эълон қилинди. Булар Никулина (1990), Уткина (2001)нинг *инглиз*, Емельянова (2000), Vermeer (1971), Захаренкова (1999), Герман (1990), Головкина (1996)нинг *роман* тиллари терминологиясига доир ишларини кўрсатиш мумкин [5, Б.11-41].

Юқорида зикр этилган тадқиқотларга жиддийроқ эътибор қилинса, ижтимоий-гуманитар соҳа терминлари нисбатан кам ўрганилганлиги кўзга ташланади. Биз тадқиқот объекти қилиб олган адабиётшунослик терминлари эса славян, роман ва герман тилларида нисбатан кам ўрганилганлигини кўрсатади. Бу соҳада ўзбек тилшунослигида жиддий тадқиқотлар олиб борилган [6, Б.376]. Шунинг учун фалсафа, маданият ва маънавият, этика, эстетика, дин ва тасаввуф, тилшунослик ва айниқса, адабиётшунослик терминларини ўрганиш долзарб масалалардан хисобланади.

Крис Болдикнинг "The Concise Oxford Dictionary of Literary Terms" луғати ўз ичига 1060 та АТларини қамраб олган. Ушбу терминларни биз адабий турлар бўйича мавзуй гуруҳларга бўлишга ҳаракат қилдик. Эпик, лирик ва драматик адабий турлари бўйича тадқиқот объектимидаги

адабиётшунослик терминларини бир неча гуруҳларга ажратдик. Ушбу мақолада биз диққатимизни драматик адабий тур гуруҳига киритган терминларга қаратмоқчимиз.

Театр саҳнасида қўйиш учун ёзилган адабий асарларнинг жами адабиётнинг уч асосий туридан бири бўлган драматик турни ташкил этади. Ушбу мавзуй гуруҳдаги терминлар драма, яъни драматик адабий турига тегишли бўлган бирликдир. Бундай мазмундаги терминдан луғатда 110 таси қайд этилган. Биз ушбу терминларни тегишлилиги бўйича ҳам кичик гуруҳларга бўлиб, тадқиқ қилдик.

Маълумки, жаҳон адабиётининг узоқ тарихида драматик турнинг жуда кўп жанрлари майдонга келган. Адабиётшуносликда улар шартли равишда уч хилга бўлинади. Булар трагедия, комедия ва тор маънодаги драма. Таҳлилимизни дастлаб ушбу жанрларга тегишли терминлардан бошлаймиз. Мазкур терминлар трагедия жанрига хосдир: *domestic tragedy, revenge tragedy, Senecan tragedy, tragedy of blood, tragedy, tragic flaw*. Кейинги терминлар комедия жанрини ифодаловчи терминлар: *black comedy, city comedy or citizen comedy, comedy, comedy of humours, comedy of manners, commedia dell'arte, farce, New Comedy, Old Comedy, romantic comedy, Restoration comedy, sentimental comedy*.

Навбатдагилар тор маънодаги драма жанрига хос терминларни ифодалайди: *closet drama, drame, drama, Fastnachtspiel, heroic drama, liturgical drama, monodrama, metadrama or metatheatre, no'or noh, poetic drama*. Юқоридаги учала жанрга тегишли терминларнинг иккинчи қисмидан уларнинг трагедия, комедия ёки драмага тегишлилигини кўришимиз мумкин. Аммо баъзиларида бу сўзлар мавжуд эмас. Мазкур терминларнинг муаллиф томонидан берилган талқинига эътиборимизни қаратсак, *farce* комедиянинг бир тури бўлиб у томошобинларда кулги билан бирга ваҳима ва шафқатсизлик аралаш туйғуларини уйғотади, деб таърифланган. *Fastnachtspiel* XVI асрда Масленица фестивали давомида Германияда шаҳарликлар томонидан намойиш этилган машҳур қисқа драма тури, деб изоҳланган. Кейинги, *no'or noh* япон миллий драма тури бўлиб, унда ҳайқирқ ва имо-ишораларнинг ишлатилиши ва

## ТИЛШУНОСЛИК

актёрларнинг ниқоблардан фойдаланишлари билан характерланади. Мусиқа, рақс, насрий ҳамда шеърий нутқларни ўзида мужассам этиб, ушбу пьеса диний маросимлардан келиб чиққан ва фақат эркак ижрочилардан иборат бўлиб, юқори табақа вакилларига намоиш этилган. Ушбу пьеса турининг 200тадан ортиғи XIV аср бошларидан бизгача етиб келганлиги ва XX асрларда эса инглизча таржималари Эзра Паунд, У.Б.Йейтс ва Бертольдт Брехт асарлари таъсири остида пайдо бўлганлиги ҳақида маълумотлар муаллиф томонидан келтирилган.

Драма адабий турининг яна бир кичик жанри ҳам борки, у пьесадири. Кейинги терминлар ушбу жанрни ифодаловчи терминлар ҳисобланади: *chronicle play, discussion play, four-hander, history play, kabuki, kitchen-sink drama, mystery play, morality play, miracle play, problem play, passion play, satyr play or satiric drama, two-hander, vaudeville, well-made play*.

Қуйида таркибида *play* сўзи бўлмаган терминларнинг муаллиф томонидан берилган изоҳларини кўриб чиқамиз: *four-hander* фақатгина тўрт сўзловчи учун мўлжалланган пьеса. Гарольд Пинтернинг *No Man's Land (1975)* асарини муаллиф мисол сифатида келтирилган; *two-hander* фақатгина икки сўзловчига мўлжалланган пьеса бўлиб, Самюэл Беккетнинг *Happy Days (1961)* асари мисол қилиб келтирилган; *kabuki No'* пьесаларидан анчагина машҳур бўлган япон театр намоиш тури бўлиб, у ҳам қўшиқ, рақс ва имо-ишораларни ўзида мужассам этган, узоқ давом этадиган ва паст сахналарда намоиш этилган. Сценарий ва костюмлари пухта ишлаб чиқилган ва аёллар образининг барчаси эркаклар томонидан ижро этилган. *No'* дан фарқли ўлароқ актёрлар ниқоблардан эмас, балки қалин пардозлардан фойдаланишган. *Kabuki* пьесалари одатда машҳур афсона ва мифларга асосланганлиги ҳақида тўлиқ маълумотлар берилган. *Vaudeville* Америка пародиясидан анча машҳурроқ бўлган, XIX аср охирилари ва XX аср бошларида АҚШда машҳур бўлган намоиш тури. Британияда эса ушбу намоиш шакли қўшиқлар, рақслар, чизмалар, акробатика ва бошқа ҳаракатлар билан бирга мусиқа зали, деб аталганлиги ҳақида муаллиф айтиб ўтган. Юқоридаги изоҳлардан кўриниб турибдики, пьеса турлари ижрочилар миқдори, жинси

ва пардоз қилиш йўллари билан ҳам ажралиб турар экан.

*Mime, pantomime, satire, melodrama, tragicomedy* кабилар драматик адабий турнинг бошқа жанрларини ифодаловчи терминлар ҳисобланади. Драма тури бошқа адабий турларга мансуб асарлардан ўзининг бир имтиёзи билан ажралиб туради: драматик турга мансуб асар ўзининг адабиётга мансублигини йўқотмаган ҳолда, сахнада иккинчи мартаба туғилиб яшайди. Қуйида ҳавола қилмоқчи бўлган терминлар театр турлари, сахна кўринишлари, қаҳрамонлар, сахна намоиши жараёнлари билан боғлиқдир. Дастлаб театр турларини ифодалаб келган терминларни кўриб чиқамиз: *epic theatre, extravaganza, gaff, metatheatre, masque or mask, pageant, theatre in the round, West End*. Энди қайд этилганлардан айримларига муаллиф томонидан берилган изоҳларни кўриб чиқамиз: *extravaganza* миф ёки эртактларнинг энгил пародиядан ташкил топган, сўз ўйини, мусиқа, рақс билан жонлантирилган театр намоиш турига нисбатан ишлатилган термин; *gaff* XIX асрда мелодрама шаклидаги арзон намоишларни таклиф қилувчи ёш театрларга нисбатан ишлатилган терминдир. Кириш нархи асосида кўпинча *penny gaffs* термини ҳам ишлатилган; *pageant* ўрта асрларда драма ва пьесалар намоиш этилган кўчма сахна вазифасини бажарган вагон, деб изоҳланган; *West End* Лондон маркази ва Шефтсбери авеню атрофида майдон бўлиб, у ерда XIX асрдан бошлаб кўплаб тижорат театрлари жойлашган. Юқоридаги изоҳлар сахна кўриниши ва намоишлари, ҳаттоки намоиш жойларини ифодалаши билан ҳам турли терминлар орқали берилишини кўрдик. Кейинги келтирилаган терминлар эса қисқа, намоиш бошида ёки танаффусларда қўйиладиган сахна кўриниш турларини ифодаловчи адабиётшунослик терминларидир. *Anti-masque, curtain-raiser, dumb show, entreme's, interlude, Machiavel, revue, sce'ne' a' faire, theatre of the absurd, theatre of cruelty* кабилар сахна кўринишларини ифодаловчи терминлардир: *anti-masque* баъзан маскали намоишлардан олдин қўйиладиган ҳажвия; *curtain-raiser* асосий спектаклдан олдин намоиш этиладиган қисқа драматик, одатда, бир пардали намоиш; *dumb show* пьесадаги қисқа овозсиз хатти-ҳаракат ёки мимика

бўлиб, баъзан муваффақиятли яқунланган сахна кўриниши охирида ишлатилган; *entreme's* жиддий драма орасида намойиш этиладиган қисқа ҳажвий намойиш ифодаловчи испанча термин. Ушбу шакл Испания сахналарида XVII асрнинг биринчи ярмида гуллаб-яшнаган деб келтирилган; *revue* бир қатор кўшиқ, рақс ва ҳажвиялардан иборат театр намойиши бўлиб, кўпинча сатирага бағишланган бўлади, унинг яна бир тури борки, у ажойиб костюм ва рақсларга йўналтирилган, деб изоҳланган.

*Braggadocio, choral character, dramatis personae, eiron, raisonneur, soubrette, the Vice* каби қаҳрамонларни ифодаловчи терминларни таҳлил этамиз: *braggadocio* кўплаб комедияларда кўрқоқ, аммо мақтанчоқ қаҳрамон. Ушбу қаҳрамоннинг инглиз драмаларидаги ёрқин намунаси Шекспирнинг Фальстаф персонажи; *eiron* аслида ақлли, аммо камгап сифатида характерланган юнон комедиясидаги бош қаҳрамон бўлиб, у мақтанчоқ *braggart* га қарама-қарши қўйилган. Киноя, яъни *irony eiron* сўзидан ўзлаштирилгани ҳақида ҳам муаллиф тўхталиб ўтган; *raisonneur* муаллиф томонидан билдириладиган фикрларни баён этувчи сифатида пайдо бўладиган қаҳрамонни аташга хизмат қиладиган термин; *soubrette* XVII ва XVIII француз комедияларидаги аёл хизматкор образи бўлиб, одатда, хўжайинининг ёлғонларига қарши чиқадиган бош қаҳрамондир; *the Vice* Ўрта аср диний пьесалардаги персонаж бўлиб, у шайтон йўлдан урган аҳмоқ бўлиб, бошқаларни ҳам йўлдан оздиришга ҳаракат қиладиган қаҳрамон сифатида талқин қилинган. Драматик адабий турни ифодаловчи адабиётшунослик терминлари орасида қаҳрамонларни ифодаловчи терминларнинг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлашимиз жоиз. Улар бошқа адабий тур қаҳрамонларидан характерларнинг турлитуманлиги билан ажралиб туради.

Сахна намойиши жараёни билан боғлиқ *agon, anagnorisis, catharsis, coup de the'a'tre, hamartia, hubris(hybris), mimesis, nemesis, peripeteia or peripety, reversal* терминлар ҳам мавжуд: *agon* асарлардаги иккита асосий қаҳрамонлар ўртасидаги зиддият, қарама-қаршилиқ; *anagnorisis* драмадаги бурилиш нуқтани ифодаловчи

юнонча термин; *catharsis* асар қаҳрамонининг фожиаси таъсирида томошабин, ўқувчида юз берадиган ҳаяжон, ачиниш, кўрқув каби ҳолатларни ифодаловчи термин; *hamartia* мағлубиятни ифодаловчи юнонча сўз бўлиб, Аристотель томонидан “Поэтика” асарида ишлатилган бу термин трагедияда бош қаҳрамоннинг ўз кўли билан ўзини мағлубиятга етаклашни ифодалайдиган термин, деб изоҳланган; *mimesis* тақлидни ифодаловчи юнонча сўз. Кўриб турганимиздек, юқоридаги сахна намойиши билан боғлиқ терминларнинг асосийси юнон сўзлари бўлиб, асосан Аристотель томонидан ишлатилганлигининг гувоҳи бўлдик.

Агар драматик тур асарини эпик ёки лирик тур асарларига солиштирсак, биринчи навбатда, унинг асосан диалог шаклда ёзилгани ҳамда парда, акт ва кўринишларга бўлинганлиги кўзга ташланади. Кейинги терминлар сахна нутқи билан боғлиқдир: *aside, bombast, dramatic monologue, dramatic irony, malapropism, repartee, soliloquy, stichomythia.*

*Act, agitprop, claque, mise en sce'ne, proscenium arch, props, scene, the unities* кабилар эса театр билан боғлиқ умумий тушунчаларни ифодаловчи ҳисобланади.

Сўнги драматик тур мавзуйи гуруҳига киритган терминлар айнан драма билан боғлиқ адабий принцип ва услубларга хос: *dramaturgy, alienation effect or A – effect, Apollonian, Dionysian, Jacobean, Shavian, Verfremdungseffekt. Academic drama, school drama* кабилар драма мактабини ифодаловчи терминлар ҳисобланади. Уйғониш даврида пайдо бўлган драматик анъана бўлиб, унга кўра қадим драматистларининг ишлари мактаб ва коллежларда намойиш этиб келинган.

Терминология ўзига хос тадқиқот йўналиши сифатида 1931 йилдан буён ўрганиб келинади, Шу давр мобайнида терминнинг таърифи, мақоми, хос хусусиятлари, бошқа луғавий бирликларга муносабати, турли фанлар терминлари асосида ўрганилган, термин ҳосил қилувчи аффикслар аниқланган. Инглиз ва бошқа тилларда кўплаб адабиётшунослик терминлари луғатлари яратилгани ҳолда, уларнинг мавзуйи гуруҳлари, юзага келиш манбалари, тузилиши ва мазмуни ҳозиргача деярли ўрганилмаган. Крис Болдикнинг “ The

## ТИЛШУНОСЛИК

“Concise Oxford dictionary of Literary terms” номли луғатида келтирилган барча сўзларнинг инглизча ўқилиши (транскрипцияси) берилганда мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки ундан нафақат инглиз тили мутахассиси, шунингдек, бошқа соҳа мутахассислари ҳам фойдаланишлари мумкин. Луғатнинг қиймати, салоҳияти ва фойдалилик даражасини оширадиган жиҳати – унда қомусий маълумотларнинг ҳам берилганлигидир. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, Крис Болдикнинг мазкур луғати ўзига хос янги тур (йўналиш)ни ташкил

қилади. Бу йўналишни изоҳли-қомусий йўналиш тарзида номлашимиз мумкин. Ушбу луғатда 100 та дан ортиқ драматик адабий турга хос терминлар бўлиб, уларни биз тадқиқотимиз жараёнида яна майда гуруҳларга бўлиб чиқдик. Крис Болдикнинг луғати адабиётшунослик терминларининг қайси тилдан олинганлиги ҳақида ҳам маълумот берилган, бу эса ўз навбатида унинг фойдалилик коэффициенти орттирган ва ўқувчи у ёки бу термин генезиси ҳақида маълумот олиш учун бошқа манбаларга мурожаат қилмайди.

**Адабиётлар:**

1. Abrams M. H. A Glossary of Literary terms. – Heinle & Heinle, a division of Thomson Learning, Inc., 1999.
2. Baldick Chris. The Concise Oxford Dictionary of Literary terms. - Oxford: Oxford University Press, 2001.
3. Cuddon J.A. Dictionary of Literary terms and literary theory. – Fourth edition published in Penguin Books, 1999.
4. McArthur T. The Concise Oxford Companion to the English Language Oxford: Oxford University Press, 2005.
5. Петросянц Э.Г. Лингвистическое терминополое: структура, семантика, деривация: на материале английского языка. – Пятигорск, 2004.
6. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1983.

(Тақризчи: Н.Хошимова – филология фанлари доктори (PhD))